

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIGI

SAMARQAND QISHLOQ XO'JALIK INSTITUTI

Qo'l yozma huquqida

Genetika, seleksiya va urug'chilik kafedrası

Umurzoqov Umarning

«Arpa har xil nav namunalarining qurg'oqchilik va zamburug` kassalliklariga
chidamliligini baholash»

5A410401 - Seleksiyasi va urug'chiligi mutaxassisligi bo'yicha
magistr darajasini olish uchun

MAGISTRLIK DISSERTASIYASI

Ilmiy rahbar dotsent

M.K.Lukov

SAMARQAND 2015

MUNDARIJA

	KIRISH	4
I Bob.	ADABIYOTLAR SHARHI	7
1.1.	Arpaning kasalliklarga chidamli boshlang'ich materiali.	7
1.2.	Arpa turlarining turli infeksiyon kasalliklarga chidamliligi.	10
1.3.	Arpaning zang kasalligiga chidamli genlari va ularning kasallanish darajasi.	19
1.4.	Arpaning sariq va qo'ng'ir zang kasalliklarining kelib chiqishi.	23
1.5.	Kasallikka chidamlilik va moyillik belgilarini navlarda aniqlash.	29
2. Bob	TAJRIBANING O'TKAZISH SHAROITI VA METODIKASI	39
2.1.	Tuproq sharoiti.	39
2.2.	Iqlim sharoiti.	42
2.3.	Tadqiqot o'tkazish uslublari	44
3 Bob.	TADQIQOT NATIJALARI	47
	Sug'oriladigan yerlarda Arpaning zang kasalligiga chidamli va hosildor nav namunalarini tanlash.	47
3.1.	Arpa nav namunalarining rivojlanish fazalari	47
3.2.	Arpa nav va namunalarining qimmatli belgi xususiyatlari	49
3.3.	Yumshoq Arpa nav namunalarining zang kasalliklariga chidamliligi .	52
3.4.	Arpa nav va namunalarining hosildorlik ko'rsatkichlari.	54
3.5.	Arpa nav namunalarining don hosildorligi bo'yicha iqtisodiy samaradorlik ko'rsatkichlari.	56
	Xulosalar va ishlab chiqarishga tavsiyalar	60
	Foydalanilgan adabiyotlar royxati -	62
	Ilova	69
	Hosildorlik ko'rsatkichlari bo'yicha matematik tahlil	69

Кириш

Арпа муҳим озиқ-овқат, ем – ҳашак ва техникавий экин. Унинг донидан арпа ёрмаси, перловка, ун тайёрланади. Арпа уни буғдой ёки жавдар унига қўшилиб нон ёпишда ишлатилади. Арпа солодидан ажратиб олинган экстракт моддалари медицина, кондитерлик, туқимачилик ва тери пишириш саноатида фойдаланилади.

Экин майдони жихатидан арпа жаҳонда тўртинчи ўринни эгаллайди (буғдой, шоли, маккажухоридан кейин). 2004 йилда жаҳонда арпа 55,6 млн.гектар ерга экилиб 153,5 млн. тонна дони етиштирилган. Асосий майдонлари мустақил ҳамдўстлиги мамлакатларида жаҳондаги майдонининг учдан бирига яқин. Бу экиннинг тарқалиш ареали жуда кенг. Унинг экинлари шимолий қутбдан ўтиб шимолий кенгликнинг 68 ҳатто 70⁰ гача, жанубда эса то экваторгача етади. Ер шарининг жанубий қисмида ҳам экилади. Тоглик худудларда арпа экини бошқа донли экинлардан баландроғида учрайди.

Арпа экини Европа мамлакатлари (Словения, Буюк Британия, Польша, Германия, Австрия, Швеция, Дания, Белгия, Нидерланд, Франция), Шимолий Америка, Осиёда тарқалган. Арпанинг кузги ва қишлайдиган навлари Украинанинг жанубида, Молдава, Шимолий Кавказ, Кавказорти ва Ўрта Осиёда экилади.

1.1. Систематикаси ва келиб чиқиши

Hordeum L туркуми ғалладошлар (Gramineae) ёки қўнғирбошлар (Poaceae) оиласига мансуб. Таркибида 30 га яқин турлари бўлиб полиплоид қаторини ташкил қилади. $2n = 14, 28, 42$. Фақат бир тури маданий *H.sativum* Jassen – эрма арпа. У уч кенжа турга бўлинади: *H.vulgare* L – қўп қаторли арпа, *H. disticum* L – икки қаторли арпа, *H. intermedium* Vav. et Orl – оралик арпа. Кенжа турлар бошоқ ўқининг бўғинидаги ҳосил берувчи бошоқчалар сонига қараб бир–биридан фарқ қилади.

Қўп қаторли арпанинг ҳар бир бўғинида учта бошоқча мавжуд. Икки қаторлида – битта, оралик кенжа турда эса биттадан – учтагача. Айрим систематик олимлар қўп қаторли ва икки қаторли арпани мустақил тур деб

хисоблайдилар. Оралик эса алоҳида тур сифатида ҳамма вақт ҳам тан олинмайди.

Экин сифатида фақат кўп қаторли ва икки қаторли арпадан фойдаланилади. Икки қаторли арпанинг икки гуруҳ тур хиллари мавжуд: нутанция (*nutantia R. Red*) ва дефиценция (*deficientia R. Reg*) биринчининг чеккадаги бошоқчалари стерил (пуштсиз) бўлса ҳам, уларнинг четки гул қобиғлари яхши ривожланган, иккинчисининг чеккадаги бошоқчаларининг фақат бошоқча қобиғлари мавжуд (баъзан улар ҳам ривожланмаган).

Чет мамлакатларда маданий турларни ва уларга яқин бўлган ёввойи турлар (осонлик билан бир бири билан чатишадиган) битта йиғма тур *H. vulgare L.* га бирлаштириш қабул қилинган.

Арпа – қадимий экин бўлиб, бирламчи экинларга киради. Уни тахминан 9 – 10 минг йил муқаддам экила бошланганлар.

Маданий арпанинг келиб чиқиши тўғрисида иккита гипотеза мавжуд: монофилетик ва дефилетик. Биринчи гипотеза бўйича маданий арпа Кичик Осиё ва Жанубий–Ғарбий Осиёда, Шимолий Африкада учрайдиган *H.spontaneum C.Koch.* полиморф ёввойи арпадан келиб чиққан. Бу тур ўсимликлари маданий арпа билан осонлик билан чатишади, аммо ундан фарқи – бошоғи мўрт – синувчан. Иккинчи гипотезанинг асосланиши шундан иборатки кўп қаторли ва икки қаторли арпаларнинг аجدодлари ҳар хил бўлган. Биринчи гипотезани фойдасига кўп қаторли арпа билан икки қаторли арпанинг генетик яқинлиги: яхши чатишиши, мутлоқ бир хил то охириги босқичгача ўтадиган органогенез, икки қаторли арпани кўп қаторлига модификацион ўзгариши (қиска кун ва кўп миқдорда озиқа шароитида)дир.

Маданий арпа Олд Осиёдан келиб чиққан. Бошқа генетик марказларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин: Эфиопия (Хабашистон) кўп миқдордаги тур хиллари билан; Хитой – Япон марказида паст бўйли, калта тиғиз бошоқли, майда юмалоқ донли, калта қилтиқли ва қилтиқсиз, мум донли шакллари мавжуд; Ўрта ер денгизи – (ригид) кўпол қилтиқли йирик донли тур хили; Ўрта Осиё марказида – ригид шаклли, ва суғориладиган шароитида –

яланғоч, йирик донли шакллари мавжуд. Бу марказларнинг ҳаммаси – иккиламчи, буни тасдиқлайдиган – рецессив белгили шаклларнинг кўп бўлганлиги (яланғоч донлилик, йирик донлилик) дир.

Маданий арпанинг қатор баҳори ва кузги эколого – географик гуруҳлари мавжуд. Баҳори арпа гуруҳида Шимолий рус, чўл, ўрмон–чўл, Ғарбий европа, Ғарбий – сибир ва Шарқий сибир арпалари аҳамиятлидир.

Кузги арпа гуруҳларидан аҳамиятга эга бўлгани – шимолий кавказли – кишга ўта чидамли, ўсимликлари баланд бўйли, баргланиши кучли ва ўртача, майда донли.


Дурагайланиш натижасида гуруҳлар бир биридан қийинлик билан ажратиладиган оралик шакллариининг ҳосил бўлишига олиб келган.

Европа ва Ғарбий Осиёда биринчи нон бўлиб буғдой эмас балки арпа ҳисобланган.

Арпанинг биринчи топилмалари жанубий Иордания ва Эронда бўлган. Ўша даврнинг Жанубий Иордания дехқончилиги кўп ҳолларда ёввойи икки қаторли арпага асосланган. (*Hordeum spontanium*). Кейинчалик бу тур

асосида ҳозирги замон арпанинг маданий икки қаторли (*H. distichon*) ва Маданий олти қаторли (*H. vulgare*) турлари кўпайиб бутун жаҳонга тарқалган.

Дехқончиликни дастлаб пайдо бўлиш даврида икки қаторли ва олти қаторли арпани Мисрда (жумладан яланғоч донли арпа) экилиб ўстирилган. Қадимий Миср афсонаси бўйича Мисрда арпани Низада (Фаластинда) Озирис келтирган. Мисрда қадимдан пиво пишириш маълум бўлган. Швейнфурт археологи



13-расм. Икки қаторли (чапда) ва кўп қаторли (ўнгда) арпанинг бошоғи ва

кадимий жасад – мумиёсининг бўйнига осилган халтачада пиво тайёрлашда фойдаланадиган солодни топган.

Қадимий Греция ва Римда арпани истеъмол қилиниши тўғрисида Катта Плиний қизиқ мақолалар ёзган.

Арпа қишлоқ хўжалик экинлари ичида жуда баланд тоғда жойлашган минтақаларда экилиш имконияти бор ягона ўсимлик. Бу экин денгиз сатҳидан Альп тоғларида – 1900 м, Кавказортида – 2700 м, Помир ва Тибетда – 4700 м гача бўлган ерларда ўсади.

Морфобиологик хусусиятлари

Арпанинг морфологик белгилари гул тузилиши билан бошоқли дон экинларига хосдир. Одатда ўсимлик бўйи буғдойдан паст, аммо поясининг каттиклиги камроқ бўлганлиги сабабли ётиб қолишга мойил, бу эса арпанинг камчиликларидан бири бўлиб ҳисобланади. Устки баргининг пластинкаси бошоқни пластик моддалари билан таъминлашда катта ролни уйнамайди, аммо унинг қини жуда яхши ривожланган.

Арпа ўсимлиги кучли тупланади (бошқа маданий экинларга нисбатан), аммо камроқ тупланадиган шакллари ҳам учрайди. Қилтиғининг кўпол ва кўп ҳолларда арпа шаклида бўлганлиги ҳам арпанинг камчилиги бўлиб ҳисобланади. Кўп навларда улар донидан ёмон (қийинлик билан) ажратилади.

Арпанинг илдиз тизими попул. Дон кўкарганда дастлаб муртак ёки бирламчи 5 – 8 илдизлар ҳосил бўлади. Тупроқда етарли намлик бўлганда улар тез ривожланади.

Пояси 5 – 7 поя бўғинлари билан ажратилган бўғин ораликларидан иборат. Уларнинг сони барглар сонига тенг бўлади. Поясининг ичи ковак. Поянинг ўсишида ҳамма бўғин ораликлари иштирок этади. Дастлаб энг пастки бўғин ораликлари, кейин навбатдагиси ўсиб бошлайди, ҳосил бўлган ораликлари ўзидан олдингисидан узунроқ бўлади, энг охирги бўғин оралиғи энг узун бўлади.

Барги оддий, барг қини ва япроғидан иборат. Барг қинини япроққа ўтиш жойида тилча (ligula) жойлашган. У юбка, рангсиз парда кўринишида бўлади. Барг қинининг асосида иккита кулокчалари (ouricula) бор. Тилчаси ингичка, кулокчалари жуда йирик, пояни тўлигича ўраб туради.

Тўпгули – бошоқ. Бошоқ – бўғинли бошоқ ўқи ва унинг ҳар бўғинида жойлашган бошоқчалардан иборат. Бошоқнинг кенг томони юза, тор томони ёни дейилади. Бошоқ ўқининг ҳар қайси бўғинида учтадан бошоқча жойлашади (13-расм).

Гули – икки жинсли, иккита ташқи ва ички қипиқларидан иборат. Ташқи қипиғида қилтиғи бўлади, ички қипиғи юпка, нозик, ясси. Гул қобиклари ўртасида иккита патсимон тумшукчали уруғчи ва учта чангчи жойлашган. Гулнинг асосида қобиклар билан тугунча ўртасида иккита юпка парда – лодикула жойлашган. У гуллаш пайтида бўртиб гул очилишига ёрдам беради.

Меваси донча, пусли, дони гул қобиғи билан қопланиб қўшилиб ўсади. Яланғоч донли арпа шакллари ҳам учрайди.

Арпанинг баҳорги, кузги ҳамда дуварак шакллари мавжуд. Типик кузги шакллар кам учрайди. Одатда кузги арпа баҳорда экилганда ҳам бошоқланади, аммо анча кеч. Унинг яровизация даври ҳарорат 0–12⁰С мобайнида ўтади. Кузги арпанинг совуққа чидамлилиги буғдойга нисбатан кучсизроқ. Совуққа чидамли шаклларнинг энг яхшилари тупланиш бўғини жойида – 14⁰С қисқа муддатли совуққа бардошли бўлади.

Арпанинг уруғи 1 – 2⁰ С – ҳароратда униб чиқади, майсалари қисқа муддатли – 8⁰ С совуққа бардош беради. Донли экинлар орасида арпа ўта эртапишар, қурғоқчиликка ва шўрланишга чидамли ўсимликдир. Ортиқча намликка ва нордон тупроқларга чидамсиз. Арпанинг вегетация даври 55 кундан 90 кунгача ва ундан ҳам зиёд.

Қурғоқчиликка ўта чидамли бўлиб Россиянинг Жанубий – Шарқий, Украинанинг жанубий, Қозоғистон навлари ҳисобланади. Ноқоратупроқ минтақасининг навлари қурғоқчиликка чидамлилиқ хусусиятига эга эмас.

Баҳорги ва ёзги қурғоқчиликка чидамли навлар мавжуд. Ёзги қурғоқчиликка чидамли навларнинг хусусияти – вегетация даврининг дастлабки даврларида тезлик билан ўсиб эрта пишишидир. Бу хусусият баҳорги намлик захираларидан самарали фойдаланиб ўта қурғоқчилик бошланганича вегетация даврини тугатишга имконият беради. Қурғоқчилик бундан ташқари барг пластинкаларини майдалиги, кучли мум билан қопланганлиги, бошоқ ва қилтиқларини қўполлиги, бирламчи илдизларнинг кучли ривожланиши билан боғлиқ.

Арпа ўсимлиги бир қанча касалликлар билан зарарланади. Улар орасида кўп зарар етказадигани қоракуянинг турли ҳиллари (чанг, қаттиқ, тошли), ун шудринг касаллиги, гельминтоспориоз (хол–холли, чизикли, турсимон), илдиз чириш касаллиги. Бундан ташқари арпа ўсимлиги занг замбуруғлари, ринхоспориоз, септопориоз, бактериял ва вирус касалликлари билан зарарланади.

Арпа – юқори ҳосилли экин. Ҳосилдорлик бошоқнинг маҳсулдорлиги ва пояларининг қалинлиги билан таъминланади. Охиргисининг шаклланишида маҳсулдор тулланиш катта ролни уйнайди. Бу хусусият билан арпа буғдойдан фарқ қилади.

Гуллаш ва оталаниш биологияси. Арпа қатъий ўзидан чангланувчи ўсимлик. Гуллаш бошоқ тортиш билан бир вақтда бошланади, совуқ ҳаво шароитида 1–2 кундан кейин. Қуруқ жазирама иссиқ бўлганда япроқ қини ичида бошоқ гуллайди. Буғдойда ўтадиган гуллашга ўхшаш хазмогам (очиқ) ва клейстогам (ёпиқ) гуллаш кузатилиши мумкин. Гуллаш ҳилига қараб арпа навлари кўп фарқланади. Кўп қаторли арпа кўпинча очиқ гуллайди, четдаги бошоқчалар эса марказдагиларга нисбатан кўпроқ. Совуқ, намлиги баланд ҳавоси очиқ гуллашга, жазирама қуруқ эса – ёпиқ гуллашга қулай. Гуллаш эрталаб соат 6 да бошланади, 7–8 гача максимумга етиб, куннинг ярмида пасаяди, лекин куни билан давом этиши мумкин. Иссиқ кунлари максимум эртароқ бошланиши мумкин ва совуқ кунга нисбатан яхшироқ намоён бўлади.

Гуллаш бошоқнинг ўртасида бошланади ва устига ҳам остки қисмига караб тарқалади. Биринчи бўлиб марказий бошоқчалар гуллайди. Арпанинг нутанция гуруҳли икки қаторли арпанинг чет бошоқчалари фертил чанг доначалари ҳосил қилиши мумкин, лекин уларнинг гуллаши анча кечикади. Бошоқ 2–4 кун гуллайди. Уруғчи тумшукчаларининг ҳаётчанлиги гуллаганидан кейин 4–6 кунгача сақланади, аммо оталанишга максимал қобиляти 2 нчи 3 кунда кузатилади. Арпанинг чанг доначалари буғдойникига ўхшаш очиқ ҳавода 10 минут бўлганидан кейин тезликда ўзининг оталаниш қобилятини йўқотади.

Генетикаси

Арпанинг диплоид хромосомалар тўплами 14 га тенг ($2n = 14$). Оддий кариотиби катъий ўзидан чангланувчи бўлганлиги ва аниқ фенотипик намоён бўлишли туфайли арпанинг генетикаси яхши ўрганилган. Генларнинг кўп қисми аниқ боғланиш гуруҳига киритилган. Хромосомалар хариталари тузилган. Арпада у ёки бу морфологик белгини аниқлайдиган аллелларнинг кўп генлари аниқланган. Бу генлардан дурагайлаш сифатини F_1 бўйича назорат қилишда маркер сифатида фойдаланиш мумкин. Энг оддий ва кўп учрайдиган воқеа – доминантлаш билан моногенли наслдан наслга ўтказилиши. Аммо мураккаб тўлиқсиз наслдан ўтказиш ҳолатлари ҳам аниқ.

Доминантликни ўзгариш ҳоллари (қилтиксиз – қилтиқли, фуркатли – қилтиқли) турли локусларни ҳаракати билан боғлиқ шекилли.

Ривожланишнинг баҳорилик хили кузгиликдан устун (доминант). Кўп ҳолларда ажралиш моногибридли, аммо баҳорилик геннинг эпистатик ҳаракати натижасида дигибрид схемаси бўйича ҳам бўлиши мумкин.

Арпанинг қимматли хўжалик белгиларининг аксарияти полиген табиатли. Улар қаторида ҳосилдорлик ва уни таъминлайдиган хусусиятлари (маҳсулдор тупланиш, бошоқчадаги донининг сони, 1000 доннинг вазни), вегетация даврининг ва фазалараро даврларнинг давомийлиги, ўсимлик бўйи, ётиб қолишга чидамлилиқ, ноқулай шароитларга чидамлилиқ, донидаги

оқсил моддасининг миқдори ва бошқа технологик ва озиқалик сифатларини таъминлайдиган кўрсаткичлари.

8 жадвал

Арпанинг морфологик белгиларини наслдан наслга ўтиши.

Белги	Белгининг намоён бўлиши.		Фарқловчи хусусият
	доминант	рецессив	
1	2	3	4
Бошоқчалар қаторларининг сони	икки қаторлилик	кўп қаторлилик	тўлиқ бўлмаган наслдан наслга ўтиш ҳоллари учрайди
Қилтиқлилик—қилтиқсизлик	қилтиқсиз	қилтиқлилик	кўп ҳолда тўлиқ бўлмаган наслдан наслга ўтиш ҳоллари учрайди
Фурқатлилик—қилтиқлилик	қилтиқлилик фуркатлилик—	қилтиқсизлик қилтиқлилик—	кам ҳолат кўп ҳолат
Қилтиқларининг аррасимонлиги	қилтиқлилик аррасимонлилик	фуркатлилик— силлиқ, қилтиқлилик	кам ҳолат икки генли наслдан наслга ўтиш ҳоллари, фақат битта доминантнинг борлиги тўлиқ бўлмаган наслдан наслга ўтишни намоён этади (ярим арра симон қилтиқлар)
Бошоқни тиғизлиги Эректоидлилик	Юмшоқ (бўш) йўқлиги	Тиғиз орлиғи	__ кўп ҳолда: ert генлари серияси (29 локус)
Гул қобикларининг	борлиги	йўқлиги яланғоч	кам ҳоллари __

туклилиги	туклилик		
Бошокча уқининг туклилиги	туклилик	яланғоч	—
Барг қинининг туклилиги	туклилик	яланғоч	—
Баргдаги мум қатлами	йўқлиги	борлиги	—
Бўғин ораларининг ранги	антоциан	яшил	ўша геннинг ўзи ёки жипс қўшилган генлар
1	2	3	4
Бўғинларнинг ранги	— «—	— «—	—
Кулокчаларининг ранги	— «—	— «—	—
Гул қобиқлари ва перикарпийнинг ранги	— «— қора	оқ узгала	икки комплементар генларнинг плейотропияси
Хлорофилли бузилишлар	нормали	бузилишлар	плеотропия —
Донининг қобиқлиги яланғоч донлилик	қобиқлилик	яланғоч донлилик	яланғоч донлилик n – аллелли билан smn ва sbn – *(бошқа локуслар) аллели эса тўлиқ бўлмаган яланғоч донли ликни таъминлайди.
Бошок ўқининг синувчанлиги	синувчан	синувчан эмас	уч генли комплементарлилик. Bt – Bt – 2, Bt – 3

Бу полигенли тизим ҳолатида у ёки бу хусусиятга сезиларли таъсир қиладиган алоҳида йирик генларнинг ҳаракатлари аниқланади: 1000 та доннинг вазни, тупланиши, донидаги оксил ва лизиннинг миқдори, вегетация даврининг давомийлиги ва бошқалар.

Тезпишарликни доминант ва рецессив генлари, эндоспермнинг мумсимонлик wx рецессив гени, дони солодининг баланд диастатик фаоллиги ва юқори оксиллилигининг доминант генлари аниқланган.

Арпа селекциясида лизин таркиби баланд бўлиш рецессив генлари аниқ рольни уйнайди. Булардан кўпроқ аҳамиятлиси иккита: lys ва lys3a, аммо бошқалари ҳам бор. Арпа селекциясининг улкан истиқболлилигини гордеинлар таркибини проламинларга қарашли ва дончанинг захира оксилининг тахминан ярмини ташкил қилган эндоспермнинг ўзига хос оксилларини назорат қилувчи генлар билан боғлайдилар. Бундай боғланган локусларнинг бир қанчаси аниқланган. Наслдан наслга ўтишнинг нодоминант хили кузатилади (яъни гетерозиготада иккала аллелнинг белгиларини намоён бўлиши). Гордеиннинг у ёки бу таркибий қисмини борлиги электрофоретик спектр бўйича аниқланади. Таркибий қисмлари (компонент) навларни бир хиллилик даражаси, уларни яқинлиги (қариндошлиги) ва муҳим аҳамиятли бўлган қимматли хўжалик белгилари тўғрисида фикр юргизишга имконият берадиган ўзига хос маркерлар сифатида иштирок этади. Шу усул ёрдамида кузги ва баҳори арпа гордеинларининг аниқ фарқлари кўрсатилган. Арпанинг қишга ўта чидамли шаклларида аниқ аллеллар (HrdA1, HrdA3, HrdB6) сақлаши аниқланган. Гордеин локуслари ун шудринг касаллигига чидамлилиكنинг айрим генлари билан боғланган.

Арпанинг касалликларга чидамлилиги полигенли тизими (горизонтал чидамлилик) ва олигогенли (вертикал чидамлилик) назорат қилинади. Охиргиси ирқи ўзига хос табиатли.

Вертикал чидамлилик генлари одатда доминант, аммо бошқа холлари ҳам учрайди. Ун шудринг касаллигига чидамлилик генетикаси яхши ўрганилган. 150 дан зиёд чидамлилик генлари ўрганилган. Уларнинг бир қисмидан селекцияда фойдаланилади: Mlg, Ml, Mla, Mlo локуснинг (Mlo1 ва ҳоказо) чидамлилигининг кўп холли аллеллари. Охиргиси керак бўлмаган плейотроп таъсирот хлорозга олиб келади. Патогенларда ирқ ҳосил бўлиш

жараёни жуда тез ўтади, бу эса селекционерларни ишларини йуққа чиқаради. Европада ун шудринг касаллигини 160 га яқин ирқлари аниқ, шу билан бирга янги ирқлар популяцияларга тўпланиб оладилар. Чанг қоракуяга чидамлилиқ Run генлари томонидан назорат қилинади. (илгариги ифодаси Un): Run1. Run3 ва бошқ.(булардан биттаси run 7 – рецессив). Ҳозирги вақтда яхши натижа берадиганлари – Run3, Run6, Run8.

Пакана занг касаллигига чидамлилиқ 9 гени (Pa, Pa2, Pa3 ва бошқ) аниқланган. Юқори самаралилари фақат Pa3 ва PA7. Сарик занг касаллигига чидамлилиқ ҳам доминант ҳам рецессив (Yr, yr) генлари билан назорат қилинади. Қаттиқ кора куяга, йўл-йўл ва доғли гельминтоспориозга, ринхоспориозга чидамлилиқ генлари аниқланган. Олигогенли чидамлилиқ одатда ўта сезувчанликка асосланган.

Арпада эркак пуштсизлигининг – ms кўп генлари аниқланган.

Арпа селекциясида қимматли хўжалиқ белгиларининг генотипик корреляцияси катта аҳамиятга эга. Қурғоқчилик йиллари ҳосилдорлик бошоқдаги дон сони билан, намлиги баланд йиллари эса маҳсулдор тупланиш билан коррелятив ҳолатда бўлганлиги кузатилади. Одатдаги салбий корреляциядан (ҳосилдорлик – тезпишарлик, ҳосилдорлик – оқсил миқдори) ташқари униб чиқиш – бошоқ тортиш даврининг чўзилиши натижасида 1000 доннинг массасини камайиши ва чанг қоракуяга чидамсизлиги билан ҳосилдорлигини бир-бирига ёмон мос келишини кўрсатиб ўтиш керак. Ҳосилдорлик – оқсил моддасининг кам миқдорли корреляцияси арпада буғдойга нисбатан камроқ намоён бўлади. У ёки бу даражали селекция ишлари кўрсатилган салбий корреляцияни енгишига олиб келади.

Селекциянинг вазифалари ва йўналишлари

Арпа селекциясининг умумий вазифалари мажмуини ажратиб кўрсатиш мумкин, шу билан бирга ҳозирги босқичдаги муҳим аҳамиятли ҳамда селекциянинг турли йўналишлари билан боғлиқ бўлган вазифалари киради.

Арпанинг юқори ҳосилли, айниқса интенсив технологияга мос навлари талаб килинади. Бу хилдаги навлар қўшимча ҳосил олишни агротехникасига, жумладан ўғитларнинг юқори дозаларига кетган харажатларини яхши қилиб қоплаши зарур. Ноқулай тупроқ иқлим шароитларида юқори ҳосил етиштириш навларнинг шу хил шароитларга чидамлилигига боғлиқ. Ўрта Осиё шароитида қурғоқчиликка, юқори ҳароратга ва шўрланган тупроқларда шўрга чидамли навлар етиштириш керак.

Суғориладиган шароитда ва лалмикор ерларда мукаммал ҳосил берадиган навлар талаб этилади. Муҳим хусусият бўлиб оптимал вегетация даври ҳисобланади. Шимолий минтақаларда, тоғлик ва лалмикор ерлари учун тезпишар навлар, кузги экинларни қиш фаслида сийраклашиб қолганида баҳорда қўшимча килиб кеч фаслида экилишига қарамай ҳосилини кам камайишини таъминлайдиган навлар мақсадга мувофиқдир.

Кузги арпа навлари қишга яхши чидамлилиги, биринчи навбатда совуққа бардошлилиги билан ажралиб туриши лозим. Тупланиш тугунини чуқур жойлашиши совуққа чидамлилигини оширади, аммо бу ҳолда маҳсулдор тупланиш камаяди. Бундан ташқари совуққа чидамлилигини ҳар хил даражаси протопластни физико – биохимик хусусиятларига боғлиқ. Ишлаб чиқариш учун катта аҳамиятли бўлиб дуварак навлар ҳисобланади: агар даладаги экин яхши кишдан чикмаган бўлса, шу навнинг ўзи билан баҳорда «таъмирлаш» – экилиши мумкин. Бу ўз навбатида уруғчиликда муаммо бўлган баҳори навларининг захирасини сақлаб кузги экинни сийраклашиб қолган ёки совуқ урган майдонларини қайта экишдан халос қилади.

Экинни парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиб олишни технологик хусусиятларини таъминлайдиганларга – ётиб қолишга, тўкилишга, бошоқларни ва поясини буғинларини мўртлиги туфайли синишга чидамлилик киради. Қилтиқлари янчиш жараёнида осонлик билан ажралиши керак. Арпанинг қилтиқсиз ва фурқатли шакллари селекциясига катта

эътибор берилади. Бу хилдаги навларнинг сомони чорва молларига озиқа сифатида фойдаланиши мумкин.

Арпанинг навлари ўта зарарли касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлиши керак. Бу масалани минтақанинг шароитига қараб ўсимликларни химоя қилиш ва селекция имкониятлари тадбирлар мажмуи билан конкретлаштириш лозим. Бу хилдаги навларни яратилиши уруғликни дорилашга кетадиган харажатларни камайтиришга ва ташқи муҳитни ифлосланишдан химоя қилишга олиб келади.

Арпанинг хусусиятларидан селекция йўналишида муҳими белгилардан ётиб қолишга чидамлилиқ, пластиклиқ, яъни турли минтақаларда ҳар хил об-ҳаволи йиллари турғун ҳосил бериш қобилиятли; ўта зарарли касалликларга: кора куя, ун шудринг, гельминтоспориоз, илдиз чириш, пакана занг касалликларига чидамлилиги.


Ҳашаки (ем–ҳашак) ва ёрма йўналишларидаги арпа пиво пишириш учун арпадан кескин фарқ қилади. Ҳашаки арпа урукининг таркибида кўп миқдорда оксил ва оксил таркибида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар (лизин, триптофан, фенилаланин) бўлиши муҳимдир. Ёрма тайёрлаш учун, қимматли озиқабоплигидан ташқари арпа донининг технологик ва яхши таъмлилик кўрсаткичлари бўлиши керак. Дончаси йирик, сариқ, ариқчаси саёз, бир текис бўлиши мақсадга мувофиқ. Бундай арпанинг ёрмаси тезликда ва бир текис пишиши ва кашани чиқишини катта ҳажмли, ёқимли хидли ва яхши таъмли сифатларини таъминлаши керак.

Яланғоч арпанинг таркибида пўстлилигига нисбатан кўпроқ оксил бўлганлиги туфайли ҳашаки сифатида ва ёрма тайёрлаш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари яланғоч донли арпанинг донидан тайёрланган уни яхши нон ёпиш сифатларига эга ва кофе суррогатлари тайёрлаш учун яхши ашё бўлиб ҳисобланади. Аммо яланғоч донли арпанинг қатор камчиликлари ҳам мавжуд: тўкилувчан, намлиги баланд ҳолларда ўсимликнинг ўзида уруғининг униб чиқиши, янчиш жараёнида пўсти билан химояланмаган, туртиб чиқиб турган муртак шикастланади, натижада

уруғининг униб чиқиш қобилияти пасаяди. Селекция ишини шу камчиликларни бартараф этишга қаратиш лозим. Ҳозирга қадар мамлакатимизда яланғоч донли арпа навлари районлаштирилмаган. Селекционерлар томонидан тўкилишга чидамлилиқ билан яланғоч донлиликни бирлаштирган арпа шаклари яратилган. Яланғоч донли навлар етиштириш селекция ишлари қатор хорижий мамлакатларда (Германия, Франция ва бошқ) ўтказилмоқда.

Пиво пишириш учун арпа навлари олдида қаттиқ талаблар қўйилади. Бу хилдаги навларнинг дони йирик ва бир текис (1000 доннинг вазни 40 г ва ундан юқори, элакдан чиқиши 2,2х20 мм 80% дан кам бўлмаган).

Шунинг учун пиво пишириш учун асосан икки қаторли арпадан фойдаланилади, аммо АҚШ ва Канадада кўп қаторли арпа навлари ҳам мавжуд (14 – расм). Охирги йиллари бу хилдаги навлар Европада пайдо бўлган. Пиво пишириш учун арпа уруғининг униб чиқиш энергияси ва унувчанлиги юқори (95,0 % дан кам бўлмаслиги) бўлиб, шу билан бирга бир текис униб чиқиши лозим. Жиддий камчилиги бўлиб айрим донларининг ўта тез униб чиқиши ҳисобланади. Бу ҳолат солоднинг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Пиво пишириш учун арпанинг дони сариқ рангли, ромб шаклида бўлиб, юбка парда (пуст) сақлаши керак. Юбка пардалиликни кўз билан чамалаб кўриш мумкин: ингичка пардали донлар майда бурушиқ қобикли. Юқори сифатли пивопишириш арпасининг пардалилиги 92 дан баланд эмас. Лекин шуни ҳам айтиш керакки пиво тайёрлаш технологиясида пардаси аниқ муҳим ролни ўйнайди. Донининг таркибида оқсил моддасини кўп (13% дан кўп) сақланиши пиво пишириш учун кам яроқли қилиб пивонинг таъми ёмонлашади ва чиқиши ҳам камаёди. Яхши пиво пишириш учун арпанинг дони 9–10% оқсил сақлаши, донининг таркибида қанча крахмал кўп бўлса пивонинг чиқиши ҳам шунча кўп бўлади. Крахмалнинг миқдорига солоднинг экстрактивлиги боғлиқ, яъни эритмага қуруқ моддасининг ўтиш қобилияти.



14-расм. 1-Жавдар; 2-Икки қаторли арпа, а-бошоқ, б-бошоқнинг кўндаланг кесими;
3-Кўп қаторли арпа, а-бошоқ, б-бошоқнинг кўндаланг кесими;

У 78–84 % ни ташкил қилиши керак. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки пиво пишириш учун ва ҳашаки арпа орасида кескин фарқ йўқ: қўшалок фойдаланиладиган навлар мавжуд (масалан, Московский 121, Нутанс 187 ва бошқ).

Бошланғич материал

Юқори ҳосилли навлар яратиш селекциясида арпанинг энг яхши маҳаллий шароитида яратилган ва хорижий мамлакатлар навларидан кенг фойдаланилади. ВОР коллекциясида 18 минг га яқин арпа намуналари бўлиб, селекция учун бошланғич материал сифатида бой ва қимматли манба бўлиб ҳисобланади. Мустакил ҳамдўстлик мамлакатларида яратилган арпа навлари юқори ҳосилли ҳамда улар яратилган минтақаларга хос бўлган ноқулай тупроқ – иқлим шароитларига чидамли. Хорижий мамлакатлар селекциясининг навлари кўп ҳолларда бизнинг маҳаллий шароитларимизга экологик жихатидан етарлича мослашмаган. Арпа селекциясида асосан юқори ҳосилли Словения, Германия, Швеция, Дания, Нидерланд, Белгия, Франция, Буюк Британиянинг навларидан фойдаланилади. Селекция учун катта эътиборга мойил бўлиб АҚШ ва Канада арпанинг олти қаторли навлари ҳисобланади.

Одатда тезпишарлик юқори ҳосилдорлик билан бир бирига салбий корреляцияда. Аммо айрим тезпишар ва юқори ҳосилли навлар ҳам мавжуд: Томск, Краснодарский 35. Айрим ғарбий европа навлари ундан ташқари ўзининг ётиб қолишга чидамлилиги билан ажралиб туради ва дурагайлашда кенг микёсда фойдаланилади. Ётиб қолишга ўта чидамли Наримчанин, Зазерский 85 ва бошқа навлар. Ётиб қолишга чидамлилик кўп ҳолларда пастбўйилик билан боғлиқ аммо баланд бўйли навлардан ҳам ётиб қолишга чидамлилари мавжуд.

Маҳаллий қурғоқ иқлимли минтақаларининг қурғоқчиликка чидамли навларини дурагайлашда бу муҳим хусусият манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу Россиянинг Жанубий – Шарқий, Украина чўллари, Ўрта Осиё навларидир. Қурғоқчиликка ўта чидамлилиги билан Прекоциус 143 нави ажралиб туради. Кузги арпа селекциясида Қишга чидамли бошланғич материал бўлиши жуда муҳимдир.

Қишга ўта чидамлилик хусусиятлари Украинанинг жануби, Шимолий Кавказ навларига хос. Донская селекция марказида арпанинг тупланиш тугуни чуқур жойлашадиган навлари ва тупланиш тугуни иккита (устки ва остки) бўлган ажойиб шакллари яратилган.

Арпанинг кишлаши учун қулай йиллари тупланиш саёз жойлашган ва кўп микдорда поя ҳосил қилишни таъминлайдиган устки тугундан ўтади. Агарда қиш жуда совуқ бўлиб устки тугун нобуд бўлса, ўсимликнинг ҳаётчанлиги сақланиб қолган пастки тугун ҳисобида таъминланади.

Қишга чидамлилик селекциясига Германия, Швеция, Лотин Америка мамлакатларининг қишга ўта чидамли навлари жалб этилиши мумкин. Арпа селекциясида кўп зарар етказадиган касалликларга чидамли навларини яратишга катта эътибор берилади.

Ғарбий Европа мамлакатларида ун шудринг касаллиги ҳосилга жуда катта зарар етказади. Бу ерда яратилган навлар ун шудрингга чидамли бўлиб селекцияда яхши манба ва шу хусусиятнинг донори сифатида фойдаланиши мумкин. Ун шудрингга чидамли навлар Канада, АҚШда ҳам яратилган. Донор сифатида Европада Монте Кристо навидан, Канадада эса – шимолий Африканинг Рабат ва Модиа навларидан кенг фойдаланилган.

Ғарбий Европа мамлакатларида чанг қорақуяга чидамлилик йўналишида селекция ишлари олиб борилмаган АҚШ ва Канадада унга бардошли навлари яратилган. Бу йўналишда Run 3, Run 6 ва Run 8 генларидан фойдаланиш самарали бўлиб ҳисобланади. Run 3 ва Run 6 Эфиопиянинг (Хабашистон) Джет навида топилиб, Канадалик Конвист, Бонанза, Огалитсу навларига ўтказилган. Канадалик Мильтон навида Run 8 гени мавжуд. Бу генларнинг

хаммаси туйинтирувчи чатиштиришни қўллаб янги навларга киритилиши мумкин. Шунга ҳам эътибор бериш керакки, улар билан ҳосилдорлик ва бошқа қимматли хўжалик хусусиятларига салбий таъсир кўрсатадиган генлар чамбарчас боғланган эмас. Россияда яратилган айрим навлари ҳам чанг қоракуяга чидамлилигига эга ва селекцияда фойдаланишлари мумкин. Бундай хусусиятли бўлиб Первенец, Московский 2 ва бошқа навлар ҳисобланади. Пакана занг касаллигига самарали (Ра 7 ва Ра 3) генлари Чехославакияли (Масалан Карат) ва бошқа мамлакатларнинг навларида сақланади. Қаттиқ тошли қоракуяга чидамли Канадали Джет, Кейстон, Россияли Первенец ҳамда йўл-йўл ва доғли гельминтоспориозга Чехославакияли Джет, Конквист, КМ1192, илдиз чиришига Одесская 82, Лотос, ринхоспориозга Нидерландли Эффенди ва бошқа навлар нисбатан чидамли.

Касаллик ва зараркунандаларга чидамлилик бошқа донорлари ҳам мавжуд. Уларнинг сони борган сари кўпайиб бормоқда, чунки селекцион муассаса аниқ бўлган донорлар билан ишлаш жараёнида маҳаллий шароитларига мос ҳамда қимматли хўжалик белгилари ўзининг селекцион материалига ўтказади. Бу ишни ўтказишнинг муҳимлиги шундан иборатки дастлабки донорларнинг хўжалик белгилари ва хусусиятларининг ёмонлигидир. Масалан, юқорида эслатиб ўтилган Джет нави – майда уруғли, курғоқчиликка чидамсиз, поясида яшириниб жойлашадиган зараркунандалари билан шикастланадиган, кам ҳосилдир. Шимолий Америка ҳамда Хабашистон минтақасининг примитив (содда) навлари салбий хусусиятли. Донорлар билан интенсив ишлаш натижасида турли касалликларга чидамлилик генларини бирлаштириш натижасида мажмуи чидамли навларни яратишга олиб келди ва бу навлар ўз навбатида қимматли донор сифатида селекцияда фойдаланиши мумкин. Масалан, Канадали Вестерн Форт ва Оттава 3092 А навлари ун шудринг, чанг ва қаттиқ қоракуяга, пакана занг, гельментоспориоз касалликларига ҳамда швед чивини ва поя бургасига чидамли. Яхши озиқа сифатли навларни яратишда

Россиянинг энг яхши навларидан фойдаланиш мумкин. Таркибида кўп миқдорда оксил ва лизин сақлайдиган навлар яратишда донида кўп оксил (13–18%) ва оксилнинг таркибида кўп лизин (4,6 % гача, одатдаги навларда бу кўрсаткич 2,2–2,5 %) Эфиопияли Хайпролли шаклидан фойдаланилган. Кенг фойдаланиладиган кўп лизинли бошқа – Ризо 1508 (Дания)lys3a Хайпролига аллел бўлмаган генли донор. Бу шаклнинг кўп лизинлиги юқори оксиллиги билан боғланишли ҳолда эмас. Одатдан ташқари ўта кўп оксилли бўлиб венгрияли Банкути Коран нави ажралиб туради.

Яланғоч донли арпа шаклларининг таркибида ҳам кўп оксил сақланади. Қимматли яланғоч донли арпанинг кўп шакллари шимолий Хитой, Корея, Япония ва Тибетда. Ёрма арпа селекциясида Россиянинг энг яхши навларидан фойдаланиш мумкин.

Арпанинг юқори пиво пишириш сифатли бўлиб Чехославакия, айниқса Гапанц (Моравиянинг Гана вилоятидан), Австрия, Германия (Бавария)нинг шакллари ҳисобланади. Россиянинг кўп навларидан (Московский 121, Комбайнер, Носовский 9 ва бошқ.) ҳам яхши пиво тайёрланади.

Селекция учун қимматли бўлиб мислсиз янги нав ҳосил килувчанлик қобилиятли навлар ҳисобланади. Масалан Чехиялик Диамант нави асосида 12 та нав Чехославакияда ва бештаси Германияда яратилган. Селекцион генетик (ВСГИ) институтнинг Южный нави олтига навнинг келиб чиқиши – таркибига, Нутанс 244 – Одесская 100, Меридиан, Московский 2, Харьковский 74 ва бошқа навларининг ота ёки онасининг бири бўлиб ҳисобланади.

СабНИИРС да (2002 й) арпанинг 729 нав намуналари генофонд питомнигида ўрганилиб учта шакли ажратиб олинган: йирик донлилик манбаи – 1000 донининг вазни 55 г дан кўп – Оренбургский 15, Виконт ва (Баган х А–3854) х Ага навлари Неван нави ҳар йили бошоқдаги донининг вазни бўйича барқарор бир текис юқори кўрсаткичли (1.04–1.14 г), бу нав белги кўрсаткичининг манбаи бўлиб ҳисобланади.

СабНИИСХ да пивобоп арпанинг навлараро дурагайланининг наслга узатилиши ва белгиларини генетик назорати ўтказилган. Баҳори арпанинг Омский 87, Сигнал, Одесский 100, Maresi, Viba ва F₁ диаллел дурагайи экилиб ўрганилган. Қўшимча қилиб 400 та истиқболли линиялар (ҳар бир дурагай комбинациясида 20 тадан линия) экилади. Назорат учун гуруҳли стандарт сифатида Омский 87, Омский 88, Омский 89 ва Омский 90 навлари экилади. Энг яхшилари (200) танлаб олиниб баҳолаш учун лабораторияга берилган.

Красноярск қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтида жаҳон коллекциясидан арпанинг замбуруғли касалликларга ўта чидамли 23та намуналари ажратиб олинган. Шу билан бирга бу ерда изоляция қилинган тўқималарни ўстириш усулини қўллаб абиотик омилларга чидамли баҳори арпанинг регенерантларини ҳосил қилиш технологияларини ишлаб чиқиш давом этмоқда. Баҳори арпанинг 11 та ота–она шаклидан 116 та регенерантлар ҳосил қилинди, уларнинг 80% идан кўпи селектив муҳитдан. Уруғи билан 20 та регерант линиялари кўпайтирилди.

Дала шароитида, контрол питомниги типиди 10та регерант линиялардан 2 линия стандартга нисбатан ҳосилдорлигининг юқорилиги бўйича устун бўлди. Қатор белгилар бўйича регенерант линияларнинг ота–она шаклларида яққол фарқланиши аниқланган.

Селекциянинг усуллари ва айрим махсус йўналишлари

Арпа селекциясида танлаш учун популяция яратишнинг кўп фойдаланиладиган усули бўлиб тур ичида дурагайлаш ҳисобланади. Арпанинг ҳозирги тарқалган навлари келиб чиқиши бўйича ўта мураккаб бўлиб ҳисобланади, чунки чатиштириш жараёнидаги кўп миқдорда дурагай навлари жалб этилади.

Селекцияда оддий жуфт ва мураккаб чатиштириш, ҳамда қайтариқли (беккросс) чатиштириш қўлланилади. Масалан (Ганна Лоосдорфская х Нутанс 187) х Ганна Лоосдорфская → Докучаевский 1. Поғонали чатиштиришга мисол қилиб Донецкий 9 навини яратишни келтириш

мумкин. {[Донецкий 650 x Одесский 14) x Донецкий 4)] x Мартон Вашари 41/2} x Унион. Туйинтирувчи чатиштиришлар касалликларга чидамлилики генларини ва кўп лизин сақлаш генини киритиш мақсадида ўтказилади.

Арпа селекциясида ҳозирда узоқ шаклларни дурагайлаш амалий аҳамиятга эга эмас. Лекин шунга эътибор бериш керакки маданий арпа *H.spontanlum* ва *H.agriocrithon* Aoberg осонлик билан чатишади. Бошқа турлар билан чатиштиришда ҳеч қандай натижа бермайди. Уруғи ҳосил бўлса ҳам мўртаги ўлади.

Муртакларни озиқа муҳитида ўстириш маданий арпани 15 ёввойи турлари билан дурагайлари ҳосил қилиш имконини яратди. Бундан ташқари арпа билан жавдар, буғдой (жумладан *T. timopheevi*) ва буғдойик ҳамда элемуснинг ҳар хил турлари билан дурагайлари ҳосил қилинган. Маданий арпа ота шаклида олинганда чатиштириш яхшироқ ўтади. Ёввойи турлар билан чатиштириш истиқболли бўлиб ҳисобланади, чунки улар орасида қурғоқчиликка, совуққа, шўрланган ерларга, касалликларга ўта чидамли шакллари мавжуд. Аммо ҳосил бўладиган дурагайлар стерил (пуштсиз) ва арпа селекциясида фойдаланилмайди. Арпа билан буғдой амфидиплоиди – Тритодеум (Тритикум + гордеум), лекин унинг истиқболлилиги тўғрисида гапириш кийин.

Сунъий мутагенез. Бу усул арпа селекциясида кенг қўлланилади. Биринчи мутант навлари Швецияда ҳосил қилинган: Паллас ва Мари – Банус навининг радиомутанти. Ҳозирда бу хилдаги навлар жуда кўп. Чехославакияда калта пояли юқори ҳосилли Диамант нави яратилган. АҚШ да кимёвий мутагенез усулида кузги арпанинг калта сомонли (пояли) юқори ҳосил имкониятли Лютер нави, Беларус деҳқончилик ИТИда ётиб қолишга чидамли Минский мутант нави, Краснодар қишлоқ хўжалик ИТИда кимёвий мутагенез усулида кузги Дебют ва баҳори Темп навлари яратилган. Бошқа экинлар сингари арпанинг мутантлари кўп ҳолларда дургайлаш учун бошланғич материал сифатида фойдаланилади. Чатиштиришда кўп нав ҳосил қилиш қобилиятли Диамант навидан ташқари калта пояли, кўп тупланувчан

Чехославакияли КМ 1192 мутант навидан кенг микёсда фойдаланилади. Юқорида лизин кўп сақловчи мутант донори тўғрисида айтиб ўтилган эди.

Турли селекцион муассасаларда арпанинг кўп миқдорда полиплоидлари ҳосил қилинган, аммо уларнинг ҳаммасининг (сийрак) кам донлилиги ва кам туплилиги туфайли маҳсулдорлиги паст. Лекин хромосомаларининг диплоид тўплами тикланиши натижасида турли хилларини ҳосил бўлиши уларда селекция ишини давом эттириш мумкинлигини такозо этади.

Гаплоидиядан фойдаланиш

Арпа селекциясида биотехнология усуллари кенг жорий этилган экинларидан бири бўлиб ҳисобланади. Гаплоидияни қўллаш ишлари бошланган. Озиқа муҳитида чанг дончаларини ўстириб гаплоидлар ҳосил қилинган. Германияда (ФРГ) ҳар юз чангидан ҳосил қилинадиган гаплоидлар сони 14 тагача етган. Аммо биринчи селекцион натижаларига маданий дурагай F_1 ни «гаплопродюсер» сифатида бўлган *H. bulbosum* L. билан чатиштиришда эришилган. Муртакнинг ривожланиш жараёнида *H. bulbosum* хромосомалари элиминлаштирилади. Чангланишдан 11–16 кун ўтгандан сўнг шаклланган дончаларнинг муртаги микроскоп остида ажратиб олиниб қуюқ озиқа муҳитига жойлаштирилади. Дончалар дастлаб стерил ҳолатга келтирилиб ҳамма ишлар стерил муҳитда ўтказилиши керак. Муртак жойлаштирилган пробиркалар, илдиз тизими ривожланиши учун 3 ҳафтагача қоронғида сақланади. Колеоптилин пайдо бўлиши билан улар ўстирувчи камераларга кўчирилади ва икки – уч барг ҳосил бўлиш давригача ўсимликлар ўстирилади.

Гаплоидларни икки қарра кўпайтириш учун пробиркаларнинг ичидаги ўсимликлар устига колхицин эритмаси қўйилади. Бу ҳолда илдизлари озиқа муҳит билан химояланган бўлади. Пробиркалар вакуум камерасига қўйилади, бу эса эритмани ўсимлик тўқималарининг ичига сингишини осонлаштиради. Ундан кейин ўсимликлар кичик стерил тупроқ, қум ва торф–чиринди аралашмаси билан тўлдирилган идишчаларга кўчириб экилади. Ўсимликлар ўсиб мустахкам бўлганларидан сўнг катта идишларга экилиб пишганигача

етказилади. Агар диплоидлаш рўй бермаса (дони ҳосил бўлмайди), ўсинди (новдаси) кесилади, кесимига найча киргизилиб эритма қўйилади ва кайтадан колхицин билан таъсир этилади. – Физиологик актив моддалари билан ишлов берилади, бу эса *H. bulbosum* билан чатиштиришда уруғ ҳосил қилиш даражасини кўтаради ва ўсимликларни колхицин билан ишлов бергандан сўнг ўзига келишига имконият туғдиради. Танлаш хромосома тўплами икки карра кўпайган ўсимликларда ўтказилади. Гомозигота ўсимликлар билан иш дастлабки авлодларда ўтказилиши сабабли нав яратиш муддатини олти йилгача қисқартириб, кичик ҳажмдаги популяцияларидан фойдаланиш мумкин. Канадада гаплоид селекцияси усулида яратилган кузги арпанинг Минго нави хромосомалар сони икки барабар ошган 40 гаплоидлардан ҳосил қилинган. Селекция генетика ИТИ да бу усул ёрдамида Исток ва Одесский 115 навлари яратилган. Гаплоидлар чиқиш сони маданий арпанинг дурагайининг генотипига ҳамда *H. bulbosum*га боғлиқ. Охиргиси 14, 28 ва 42 хромосомали бўлиши мумкин. Чатиштириш учун махсус 14 хромосомали намуналар олинади. «Гаплопродюсер» сифатида жавдар ҳам фойдаланилиши мумкин. Лекин натижаси ёмонроқ бўлади. Шунга карамай Одесская многолетняя жавдари кузги арпа билан гуллаш даврининг бир вақтда келиши туфайли, чатиштириш учун мос жуфт бўлганлиги аниқланган. Швецияда арпанинг – рецессив *h*ар генли – гаплоидия индуктори, линияси топилган. Бу линияни одатдаги арпа билан чатиштирганда F_2 да 40% гача гаплоид ўсимликлар ажралади.

Серпояликка қаратилган селекция. Арпада буғдойга ўхшаш аутоконкуренцияси пасайган, катта қалинликда жойлашишга бардошли навларни яратиш селекция йўналиши вужудга келган. Бир квадрат метр майдонда 700–800 бошокли поялар ҳосил қиладиган намуналар мавжуд. Уларни сонини 1000 тагача етказиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Таркибида кўп лизин сақлашга қаратилган селекция. Арпа селекциясида *lys* генларидан фойдаланиб кўп лизинли навларни яратишга қаратилган алоҳида йўналиш шаклланган. Бундай навларнинг дони юксак хўракилик

хусусиятига эга (масалан Одесский 84 Л). Аммо кўп лизинли генлар ҳосилдорликни 10–15% гача пасайтиради. Бу ҳолат кўп лизинли навлар селекциясини бир мунча сусайтиради.

Касалликларга чидамлилигига қаратилган селекция. Касалликларга чидамли навларни яратиш – катта муаммо бўлиб ҳисобланади. Ун шудрингга чидамлилик генлари қисқа муддатда (тезликда) патогенлар томонидан енгилади. Касалликларни бошқа облигат чакирувчиларга Олигоген чидамлилиги (айниқса сариқ зангга) секинрок йўқолиб боради. Шунга қарамай донорлар сони чегараланган, шунинг учун тўлиқсиз чидамлилик бўлса ҳам узоқ давом этадиган горизонтал селекцияни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Селекция жараёнини услуби ва техникаси

Арпанинг селекцияси жараёни бошқа маданий ўзидан чангланувчи донли экинларидан жиддий хусусиятлари билан фарқ қилмайди.

Дурагайлаш техникаси буғдой дурагайлашининг техникасига ўхшаш. Кўп холларда мажбурий (жумладан қайта) чанглатиш ва « твел» усули қўлланилади.

